«Қўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚКда «Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ корхоналарининг бош муҳандислари иштирокида конференция ўтказилди

// 01.11.2022
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/kungirot-soda-zavodi-konferensiya



«Қўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚКда «Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ корхоналарининг бош муҳандислари иштирокида, ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш бўйича муаммоларни кўриб чиқиш ва уларни ижобий ҳал этиш, маҳсулотларнинг таннархини тушириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларни ҳамкорликда сифатли олиб бориш ҳамда эришилган ютуқлар бўйича тажриба алмашинишни ташкил этиш юзасидан конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда қуйидаги муҳим мавзулар юзасидан тақдимот ва муҳокамалар ўтказилди:

- Маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш бўйича олиб борилаётган тадбирлар натижадорлиги ҳамда 2023 йилга ишлаб чиқилган дастур ва бугунги кунда уларни амалга ошириш учун замин яратиш;
- Бир бирлик маҳсулот учун асосий хомашё, материаллар ва энергия ресурсларининг сарф

меъёрларини оптималаштириш, жумладан амалдаги сарфлар миқдорига яқинлаштириш;
- Атроф муҳит муҳофазаси ва экологик тадбирларнинг бажарилиши, асосий муммоли нуқталарни автоматик мониторинг қилиш тадбирларини жадаллаштириш.

«Ўзкимёсаноат» АЖ тизим корхоналарида мунтазам ўтказиладиган бу каби конференциялар Жамиятда фаолият юритаётган мутахассисларнинг кимё саноатидаги ишлаб чиқариш жараёнларига оид муҳим мавзуларда ўзаро фикр ва тажриба алмашишларига хизмат қилади. Шу билан бирга, соҳага оид долзарб масалаларни ҳал этишда ўзига хос муҳокама майдони вазифасини бажаради.




Uzkimyosanoat
"O'zkimyosanoat" AJ
MATBUOT XIZMATI
uzkimyosanoat
uzkimyosanoat.uz
(+99878) 140-74-26



«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати